

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙДАРОВ СУЛАЙМОН АМИРҚУЛОВИЧ

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ ВОСИТАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН
ТАРИХИ» ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ**
(тарихий миниатюралар мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of
Philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Ҳайдаров Сулаймон Амиркулович

Тасвирий санъат асарлари воситасида «Ўзбекистон тарихи» дарслари самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари (тарихий миниатюралар мисолида)..... 3

Хайдаров Сулаймон Амиркулович

Дидактические возможности повышения эффективности уроков «Истории Узбекистана» средствами произведений изобразительного искусства, (на примере исторических миниатюр)..... 21

Khaydarov Sulaymon Amirkulovich

Didactic opportunities of increasing the effectivity of the history lessons by the means of fine art performances (by the samples of historical miniatures) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.Ped.76.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙДАРОВ СУЛАЙМОН АМИРҚУЛОВИЧ

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ ВОСИТАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН
ТАРИХИ» ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ.**
(тарихий миниатюралар мисолида)

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тарих)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Ped374 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сулаймонов Асқарали Пайғамович, педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Эгамбердиева Турғуной Аҳмаджонова, педагогика фанлари доктори, профессор Талапов Бахриддин Алижонович, тарих фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.28.09.2018.Ped.76.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « ___ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz.)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Диссертация автореферати 2019 йил « ___ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил « ___ » _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Т.Файзуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Ш.К.Хўжамбердиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа доктори (PhD)

Т.А.Эгамбердиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д., проф

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD)диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда жаҳон миқёсида таълимга барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида қаралиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «сифатли таълим олиш ва ижодий қобилиятни рағбатлантириш»¹ долзарб вазифа сифатида белгиланди. Дунёнинг тараққий этган давлатларида, хусусан, реал воқеликларнинг тасвирий талқини – миниатюра санъати намуналаридан тарих таълими амалиётида фойдаланиш борасида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, шунингдек, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Россияда олиб борилган тадқиқотлар натижалари мазкур тадқиқот учун ўзига хос методологик асос вазифасини ўтайди. Айниқса, ЮНЕСКО ташкилоти томонидан ҳар йили таълимга оид янгиликларнинг эълон қилиниши ва улардан дунё таълим амалиётида қўлланилиши таълимнинг ривожланишига хизмат қилмоқда. Мазкур ташкилот томонидан миниатюра санъатини замонавий шароитда ўрганиш халқаро миқёсда тарғиб қилиб келинмоқда.

Дунёда таълимни замонавий талаблар асосида ташкил этиш, унинг мазмунини миллий анъана ва кадриятларни такомиллаштириш орқали самарадорликка эришиш, янги технологик ёндашувларни қўллаш, тарихий кадрият, анъаналарнинг дидактик имкониятларидан оқилона фойдаланиш таълим ислохотларининг асосий йўналишларини ташкил этади. Шу йўналишда тарих фанини ўқитишда бугунги кундаги янгиликлар, қонунлар, замонавий манбалар, эришилаётган натижалар билан бир қаторда тарихий манбалардан фойдаланиш технологияларини яратиш долзарб педагогик муаммолар сирасига киради. Бу муаммолар дунё миқёсида тадқиқ этилиб, тарихчи ва педагоглар томонидан уларнинг ечимига оид янги илмий хулосалар тақдим этиб борилмоқда.

Республикамизда умумтаълим мактабларида ўқувчиларни эркин, мустақил фикрлаш, тарихдаги воқеаларга реал қараш даҳлдорлик ва ижтимоий фаоллик каби сифатларини ривожлантириш, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг тарихий билимларини тасвирий санъат асарлари орқали дидактик таъминот воситасида ривожлантиришда тарихий манбалар алоқадорлигини таъминлаш, мазкур жараёнга компетент ёндашувни татбиқ этиш, дарсларга тегишли миниатюра асарларини ишлаб чиқиш муҳим илмий амалий аҳамият касб этади. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» номли бандида «Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий

¹Incheon declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

фаоллигини ошириш»¹ каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Бу эса ўқувчининг интеллектуал сифатларини шакллантириш, унинг жамиятда, ишлаб чиқариш соҳасида ва ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий ҳаётида фаол ва муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги 4789-сонли Фармойиши, 2018 йил 28 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4038-сонли Қарори, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5712-сон Фармони, 2019 йил 12 мартдаги «Ёшларни маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус» дастурининг биринчи ташаббуси «Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади»ган бўғинига тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши, шунингдек, мақсадли илмий тадқиқотларнинг илмий-техникавий дастури доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаимиз олимларидан санъат тарихи соҳасидаги айрим муаммолар С. Мурзаев, Р. Фатхуллаев, Х. Каримовлар томонидан, санъатнинг, хусусан, миниатюра санъатининг тарихий аспекти Г. Пугаченкова, Л. Ремпель, А. Хакимов, Н. Норкулов, А. Мадраимов, Н. Гильманова, К. Акиловларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Тарихчи-педагоглар А. Саъдиев, Н. Ремеев, Я. Гаффаров, Т. Тошпўлатов, Ж. Рахимов, С. Маҳкамов, Р. Муллажоновларнинг тадқиқотларида умумий ўрта таълим мактабларида тарих ўқитиш методикасининг турли масалалари тадқиқ этилган. Миниатюра санъатининг бадиий педагогика йўналиши Н. Абдуллаев, Н. Ойдинов, С. Булатов, А. Сулаймоновларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари томонидан миниатюра санъатининг талқини россиялик олимлардан С.И.Тюляев, тожикистонлик Л. Айна, М. Ашрафи қабилар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар, аввало «Бобурнома»га ишланган миниатюраларнинг шарҳига

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

оидлиги билан аҳамиятлидир. Рус олимларидан К.О. Битюкова ва М.С. Ерохиналар тарихни ўқитиш амалиётининг таҳлилига оид тадқиқотлар олиб борганлар.

Хорижий манбаларда жумладан, покистонлик Мария Ансари, Фаржад Фаиз, Амна Ансари, америкалик Е.Е. Симс ва Арадхана Ваидя, немис Е.Ж. Груб, япониялик Х. Хуказава, Эйджи Мано, Буюк Британиялик Э. Баҳори, россиялик Б.И. Маршак каби олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ҳам «Бобурнома»га ишланган миниатюралар шарҳланган.

Соҳа олимлари ва мутахассисларининг қўлланма ва илмий изланишларида «Жаҳон тарихи» ва «Ўзбекистон тарихи» курсларини ўқитиш методлари, хусусида, муайян фикр юритилган бўлса-да, умумий ўрта таълим мактабларида Ўзбекистон тарихини ўқитишда тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш муаммоси алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4 «Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш» (2015-2017) номли амалий лойихаси доирасида, ХТ-Ф2-003- «Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари ва стратегиясини белгилаш» номли ҳамда «Гасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари» номли П-3-2014-0829151412-сонли илмий лойихалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Ўзбекистон тарихи» 7–8-синф дарсларида тарихий миниатюра санъат асарларидан фойдаланишнинг мазмуни ва методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тадқиқот мавзусига оид тарихий миниатюраларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан «Ўзбекистон тарихи» дарсларида фойдаланишнинг педагогик талабларини ишлаб чиқиш;

«Ўзбекистон тарихи» дарсларида тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятларини аниқлаш;

«Ўзбекистон тарихини» ўқитишда миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш;

«Ўзбекистон тарихи» дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш методикасини педагогик тажриба синовдан ўтказиш ва самарадорлигини аниқлаш;

Тарихий мавзудаги миниатюра асарларидан фойдаланиш воситасида «Ўзбекистон тарихи»ни ўқитиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий таълим мактабларининг «Ўзбекистон тарихи» 7–8-синф дарслари жараёни танлаб олиниб, унда Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги № 133, Яшнаобод туманидаги № 227, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридаги № 4, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги № 1, Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги № 4, умумтаълим мактабларининг жами 360 нафар респондент-ўқувчилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети «Ўзбекистон тарихи» дарсларида миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг педагогик талаблари, мазмуни, шакллари, методлари ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога оид манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатиш, суҳбат, савол-жавоб ўтказиш, анкета сўровномаларидан фойдаланиш, педагогик тажриба-синов, назарий-қиёсий таҳлил, математик статистика, умумлаштириш, хулоса қилиш каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий манбалар асосида “Ўзбекистон тарихи” дарсларида фойдаланиладиган тарихий миниатюра санъати асарларини танлаб олишнинг педагогик талаблари (миниатюраларни, соҳанинг ДТС, ўқув дастури, ўқувчиларнинг интеллектуал ҳамда физиологик тайёргарлик даражаларига мослиги) ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг дидактик имкониятлари (ўқув материални визуал тарзда тақдим этиш орқали ўқувчиларда реал тарихий воқелик ҳақида объектив тасаввур ҳосил қилиш) аниқланган;

ўқувчилар томонидан тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари мазмунини реал тарихий воқеликнинг тасвирий талқини сифатида идрок этишнинг педагогик (ўқув жараёнида қўлланилаётган миниатюраларни тарих таълимининг дидактик-иллюстратив воситаси эканлиги) талқини асосланган;

синфлар ҳамда мавзулар кесимида тарих таълимида миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг оптимал мазмуни ва методикаси (миниатюраларда ўтиллаётган мавзунинг хусусиятига кўра фойдаланиш) асосланган;

«Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитишда миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг педагогик механизмлари (миниатюраларда фойдаланишнинг узвийликка асосланган компонентлари) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

- тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш орқали «Ўзбекистон тарихи» дарсларининг дидактик имкониялари кенгайтирилган;

- тарихий миниатюра санъати асарларини танлаб олишнинг педагогик талаблари ишлаб чиқилган ҳамда улардан соҳанинг меъёрий асослари талаблари бўйича фойдаланиш имконини беради;

- тарих таълими концепцияси ва Давлат таълим стандарти йўриқномаларининг моҳияти, шунингдек, миниатюра санъати асарларининг хусусиятлари, таълимий ва тарбиявий имкониятлари тадқиқ этилиб улардан тўғри фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

- тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишда «Ўзбекистон тарихи» ўқув фани дастури, дарслик ва қўлланмаларга қўйилган дидактик талаблар ҳамда дидактик воситалар модернизация қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот муаммосига оид хорижий ҳамда маҳаллий манбалар, амалиётлар қиёсий-таҳлилий ўрганилганлиги; тадқиқотнинг мазмуни ҳамда асосий йўналишлари илмий-назарий жиҳатдан асосланганлиги; тадқиқотнинг асосий параметрлари унинг мазмуни ва моҳиятига монанд тарзда белгиланганлиги; тадқиқотнинг илмий ғоялари педагогика соҳасига хос ёндашувлар асосида тадқиқ этилганлиги ҳамда натижалар тажрибада синовдан ўтказилиб, самарадорлик даражаси математик-статистик таҳлил қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар тарих таълимининг муҳим манбаи – миниатюра санъатининг дидактик имкониятларига янгича педагогик тафаккур асосида ёндашишга назарий асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, турли фактлар контекстида ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида миниатюра санъати асарларидан фойдаланиб, «Ўзбекистон тарихи» фанини оптимал мазмун ва методика бўйича ўқитишнинг дидактик асослари яратилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тарих таълими концепцияси ва Давлат таълим стандарти йўриқномалари моҳиятининг тадқиқ этилганлиги, миниатюра санъати асарларидан фойдаланишда «Ўзбекистон тарихи» ўқув фани дастури, дарслик ва қўлланмаларга қўйилган дидактик талабларнинг янгиланганлиги ва такомиллаштирилганлиги, муайян дидактик талаблар асосида танлаб олинган ҳамда «Ўзбекистон тарихи» ўқув фани бўйича мавзулар кесимида фойдаланиш учун методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тасвирий санъат асарлари воситасида «Ўзбекистон тарихи» дарслари самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўзбекистон тарихи» дарсларида тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг педагогик талаблари дидактик имкониятларини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон қарорининг 3-илоvasи билан тасдиқланган «Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари» мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июлдаги 01-02/2-2-199-сон маълумотномаси). Натижада умумтаълим мактабларида ўқитиладиган «Ўзбекистон тарихи» дарсларининг мазмун-моҳияти бойитилган;

ўқувчиларда тарихий миниатюра санъати асарлари воситасида тарихий воқеликнинг тасвирий ифодасини англашнинг педагогик талқини бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 16 сентябрдаги «2017–2018 ўқув йилида

таълим сифати мониторинги тизимини янада такомиллаштириш ва ташкил этиш тўғрисида»ги 299-сон буйруғи асосида ўқувчилар билимини баҳолаш Халқаро дастури – PISA тестларини тузишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июлдаги 01-02/2-2-199-сон маълумотномаси). Натижада тарих фани бўйича ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнида самарадорликка эришилган;

синфлар ва мавзулар кесимида тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг оптимал мазмуни ва методик таъминоти РЗ-2014 – 0829151412-рақамли «Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3988-сон маълумотномаси). Натижада «Ўзбекистон тарихи» фанининг мазмун – моҳиятини синфлар ва мавзулар кесимида бойитишга эришилган;

«Ўзбекистон тарихи»ни ўқитишда тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан РЗ-2014 – 0829151412-рақамли «Тасвирий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3988-сон маълумотномаси). Натижада «Ўзбекистон тарихи»ни ўқитишда миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш самарали йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, олтита параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 155 бет. Ишда 12 та жадвал, 6 та чизма келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, асосланганлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация иши муассасанинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, предмети ҳамда объекти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, қўлланилган методлар, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг ишончлилиги баён этилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ўзбекистон тарихи таълими самарадорлигини оширишда миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг назарий асослари» деб номланиб, унда «Ўзбекистон тарихи» фанини ўқитиш самарадорлигини оширишнинг педагогик имкониятлари тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг бугунги кун нуқтаи назаридан илмий-амалий ўрганиш натижалари, унинг таҳлиллари баён этилган. Соҳага оид илмий-методик манбаларнинг хорижий ва маҳаллий амалиётлари тавсифланган.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, таълим ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишига айланиши натижасида ушбу соҳада туб ислохотлар амалга оширила бошланди. Бугунги кунга келиб мамлакатда тарих фанини янги методология асосида ўқитиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти таъкидлаганидек, «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади»¹. Демак, ўтмишни ўрганиш келажакка бўлган ишончни яратади, истиқболга бошлайди. Шу боис, ёш авлоднинг миллий тарихимизни чуқур ўрганишини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон тасвирий санъатининг тарихий-миллий негизларини мустахкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасида ўзбек халқининг тарихи билан боғлиқ мавзулар рассомлар ижодида устуворлик касб эта бошлайди.

Айни пайтда замонавий тасвирий санъатнинг тарихий негизи – миниатюра санъатига эътибор ортиб бормоқда. Бу манбаларда тарихий воқеликлар тасвирланганлиги боис, улардан замонавий таълим тизимида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларини ўрганиш «Ўзбекистон тарихи»да алоҳида ўрин тутади. Аммо айнан шу давр тарихини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишнинг методик асослари тўлақонли ўрганилмаган. Ҳолбуки, тарих таълимининг муваффақиятли амалга оширилиши ўқитишнинг илмий асосда, мақсадга мувофиқ ташкил қилинишига боғлиқ.

Ушбу курсни ўқитишда дарслик материалларидан ташқари тарихий манбалар ва миниатюра асарларидан, хусусан, «Зафарнома» ва «Бобурнома»га ишланган миниатюралардан, шунингдек, маълумотномалар, вақтли матбуот материалларидан соҳанинг меъёрий талаблари асосида танлаб олинган ҳолда фойдаланиш тарих таълимининг дидактик имкониятларини оширади. Мазкур манбалар устида ишлаш ўқувчиларда қуйидаги малакаларни шакллантиришни тақозо этади: таққослаш (масалан, ҳақиқий тасвирий санъат асарлари ва беллестрик – тарихий воқеликларни тавсифловчи бадиий адабиёт сюжетлари асосида ишланган расмлар), исботлаш (тасвирий санъат асарларини таҳлил этиш ва асослаш), баҳолаш (шу даврда ишланган миниатюра асарларини ажратиш).

«Ўқитувчининг вазифаси, – деб ёзади А. Саъдиев, – ўқувчида ақлий мустақилликни уйғотиш ва уни манбани ўрганишга етаклашдан иборатдир»². Юқоридаги фаолият турлари ўқувчиларда айнан шундай сифатларни таркиб

¹Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарк, 1998. Б -5-6.

²Саъдиев А. Мактабда тарих ўқитиш методикаси. – Т. Ўқитувчи, 1988. – Б. 28.

топтиришга хизмат қилади.

«Ўзбекистон тарихи» ўқув фанининг структураси ва мазмунининг таҳлилидан аён бўлдики, фанни ўқитишга жами 43 соат ажратилган. XV-XVI асрга тегишли фан ва маданият 7-синфда 1 соат, 8-синфда 1 соат берилган. Дарсликда яқин тарихимизнинг гуллаган, илм-фан ривожланган даври ўзининг чуқур ифодасини топмаган. XV-XVI асрларда мамлакатимизнинг гуллаб ривожланган даври «Зафарнома» ва «Бобурнома» асарларида Амир Темур ва Бобурийлар сулоласининг ҳаёти тарихий ҳақиқат, реал воқеликнинг тасвирий эквиваленти сифатида бадиий-тасвирий образларда ўз аксини топган. Дарс турларини тавсифлашда таълим жараёнининг қонуниятлари, уларнинг асосий босқичлари (ўқувчиларни тарихий воқеаларни идрок этишга тайёрлаш, материал билан таништириш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, мустахкамлаш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, олган билимларидан амалий фаолиятда фойдаланишга ўргатиш) асос қилиб олинади. Тарихни ўрганишнинг ҳар бир босқичида фойдаланилаётган материалнинг мазмунига мувофиқ шакл танланади.

Тарих дарслари материалларини классификация қилиш, дарснинг хилма-хил турларидан фойдаланиш ўқитувчининг шахсий хохишига қараб эмас, балки мактаб тарих курсининг мақсади, таълим-тарбия вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш заруратидан келиб чиқади ҳамда тарих таълимининг асосий қонуниятлари билан боғланади. Шунинг учун ўқитувчи дарс турларини танлашда ўрганиладиган мавзунинг ғоявий мазмуни, характери ҳамда ўқувчилар томонидан онгли ва пухта ўзлаштирилишини, ноанъанавий таълим жараёнининг асосий қонуниятларини асос қилиб олиши лозим. Дарс турини бу йўсинда танлаш эса мактабда тарих ўқитишнинг таълим-тарбиявий вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш ҳамда ўқитиш методлари ва усуллари ҳақидаги масалаларни ижодий ҳал қилишга ёрдам беради.

Диссертациянинг «Ўзбекистон тарихи»ни ўқитишда миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг ташкилий-педагогик асослари» деб номланган иккинчи бобида умумий ўрта таълим мактабларида XV-XVI асрлар тарихини ўқитишда ўқувчилар билимининг таҳлиliga оид хулосалар асосида «Ўзбекистон тарихи»ни ўқитишда тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишга қўйиладиган педагогик талабларни ишлаб чиқишга оид хулосалар баён этилган, «Ўзбекистон тарихи» дарслигида келтирилган мавзулар мазмунининг ўзлаштирилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, айти пайтда, дарслик материалларидан курсни ривожлантирувчи таълимий-тарбиявий мақсадларни ҳал қилишда фойдаланиш методлари ёритилган.

«Ўзбекистон тарихи»ни ўқитишда тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларини чуқур ўрганиш ўқувчиларни миниатюра санъати асарлари намуналари орқали тарихимизнинг бой мероси билан таништиради, тарихий манбаларни теран англашга йўналтиради, ҳарбий ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Зеро, миниатюралар, биринчи навбатда, реал тарихий воқелик акс эттирилган миллий-тарихий бадиий қадрият сифатида ўқувчиларда

миллат тарихи билан ғурурланиш ҳиссини тарбиялашда муҳим омил эканлиги тадқиқот натижаларида ўз исботини топади.

Тажриба-синов натижалари шундан далолат берадики, дарс жараёнида тарихий миниатюра асарлари, тарқатма материаллардан фойдаланиш нафақат тарихий воқеликнинг тасвирий талқини билан таништиради, балки ўқувчиларнинг тарих фанига бўлган қизиқишларини орттиради. XV-XVI асрлардаги тарихий воқеа ва ҳодисалар юзасидан тарих ўқитувчиси ва синф раҳбарининг синфдан ташқари ишлари – экскурсиялар уюштириш, тарихий манбалардан олинган маълумотлардан дарс жараёнида фойдаланиш ўз ижобий натижасини беради. Тарих курсидаги «Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва бунёдкорлик» мавзусининг ўзига хос жиҳати шундаки, бир томондан, XV-XVI асрлар равнақи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим бўлиб, иккинчи томондан, ўқувчиларга XV-XVI асрларга оид миниатюра санъати асарлари мисолида катта бадиий мерос қолганлиги ва бой тарихга эга эканлиги ҳақида билимлар бериш имкониятини сезиларли даражада орттиради.

«Бобурнома» асарида Бобурнинг Андижонда Аҳмад Танбалга қарши кураши, Самарқандга юриши моҳирона акс эттирилган. Шунингдек, уни Самарқандда кутиб олиниши тасвири орқали халқнинг унга адолатли шоҳ сифатида ишонч билдираётганини кўриш мумкин. Бобурнинг опаси Хонзодабегим билан учрашуви манзараси, Андижон тасвирлари Бобурнинг ватанига соғинчини, унинг нафақат шоҳ сифатида, балки оддий инсоний туйғулар исканжасидаги одам қиёфасида кўрсатиб бера олган. Бундан ташқари, миниатюрадаги манзаралар нафақат бугунги кун воқеалари, балки унинг ёшлик хотираларини ҳам акс эттиргани билан қимматга эга.

Тадқиқот натижалари асосида эътироф этиш мумкинки, тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиш дарс доирасидан кенгроқ миқёсда ўрганишни талаб этади. Жумладан, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш орқали уларнинг масъулияти ва фаоллигини ошириш воситасида тарих таълимининг дидактик таъминотини, тарих ўқитиш самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Диссертациянинг мазкур бобида тарих фанини ўқитиш юзасидан бериладиган билимларнинг ўзлаштирилиши ўқувчиларни жамиятнинг ривожланиш йўллари ҳақидаги маълумотлар билан қуроллантиришдан ташқари, миллий ғоя, мафкура ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ муаммоларни тўғри ҳал қилишга ҳам ёрдам бериши аниқланди. Тарих фанини ўқитиш жараёнида ўқувчилар қалбида Ватанимиз ва миллатимиз тарихини чуқур билишга муҳаббат уйғотиш орқалигина миллий ғоя ва миллий ғурур туйғуларини шакллантириш мумкин.

Тарих дарсларида асосий мавзудан четланмаган ҳолда юқорида келтирилган маълумотлар ўқувчиларга икки йўналишда ижобий таъсир этади. Биринчидан, юқоридаги маълумотлар тарихий мавзудаги миниатюра асарларини нақадар юқори даражадаги бадиий ва тарихий нуфузга эга эканлигидан далолат беради. Иккинчидан, мазкур миниатюралар реал тарихий воқеликнинг тасвирий эквиваленти сифатида ўқувчиларнинг тарихий билимларини мустахамлашга хизмат қилади.

Тарих дарсларида тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларини тушунтиришда ўқитувчи раҳбарлигида жамоа бўлиб ишлашни ташкил этиш самарали йўллардан биридир. Дарсда миниатюра санъати асарларини кўргазма сифатида қўллаш ўқувчилар нутқи ва мантиқий фикрлашларини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Кўргазмали қурол сифатида намойиш этиладиган миниатюра санъати асарлари ёрдамида мавзуни ўқувчилар онгига яхши сингдириш учун танланган тасвирлар синфнинг исталган бурчагидан яхши кўриниши ва ёрқин рангли бўлиши лозим.

Тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарлари билан ишлаш жараёни кузатиш ва таҳлил қилишдан иборат бўлади. Ўқитувчи ундан кўргазмали қурол сифатида фойдаланар экан, ўқувчининг эътиборини фақат умумий кўринишга эмас, асардаги тарихий таҳлил учун зарур бўлган деталларга ҳам қаратиши керак. Бу ўқувчиларнинг тарих қонуниятларини англашига олиб келади, олган билимларини мустаҳкамлаш ва тўлдиришга ёрдам беради.

Сўнги авлод вакилларида Наманган вилоятида Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Ниёзали Холматов, Ғайрат Камолов, Тоир Болтабоев, Аббор Турсунов, Шорасул Шомаҳмудов, Дилбар Тўлаганова, Темур Саъдуллаев, Содиқ Раҳмонов, Бахтиёр Дедашев, Шарофат Абдумуталипова, Бехзод Жўрабоев, Ортиқали Қозоқов ва бошқа кўплаб рассомларимиз бу анъаналарни бойитиб, ўзига хос равишда давом эттириб келишмоқда.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон тарихини ўқитишда тарихий миниатюра санъати асарларидан фойдаланишнинг педагогик самарадорлигининг экспериментал тадқиқи**» деб номланган учинчи боби тажриба-синов ишлари таҳлиliga бағишланган. Тадқиқот муаммоси юзасидан белгиланган тажриба майдонларида ўтказилган тажриба-синов ишларида курснинг таълимий, тарбиявий мақсадларини ҳал этишга риоя қилиш; тарихий манбаларнинг ўзаро боғлиқлигини таъсирчан, образли баён қилиш орқали умумлаштириш; ўқувчиларнинг Ўзбекистон тарихи ҳақида мустақил фикр юритиш, ўз фикрларини асослаш билан боғлиқ кўникмаларини шакллантириш; тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларини, хусусан, «Зафарнома» ҳамда «Бобурнома»га ишланган миниатюраларнинг реал тарихий воқеликни акс эттирувчи манба сифатидаги дидактик имкониятларини тажриба синовдан ўтказиш; тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларини «Ўзбекистон тарихи» ўқув фани мазмунига мувофиқ тарзда танлаб олиш ҳамда улардан фойдаланиш технологияларини белгилаш каби масалалар назарда тутилган.

Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил этишда тарих дарсларида ўқитувчиларнинг тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланишлари юзасидан ўқувчилар билан олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари математик-статистик метод асосида қайта ишланиб, таҳлил қилинди ҳамда умумлаштирилиб тегишли хулосалар чиқарилган.

Ишда тарих дарсида тарихий миниатюралардан фойдаланишни дарснинг мазмуни, реал тарихий воқелик билан боғлаб ўрганиш муаммолари муҳим дидактик масала сифатида диққат марказида бўлган. Тажриба-синов ишларини ўтказиш жараёнида Ўзбекистон тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган тўртта мавзу таҳлилга тортилди. Тажриба-синов ишлари учун «Илм-фан

равнақи» ва «Захириддин Муҳаммад Бобур – буюк давлат арбоби ва машҳур мутафаккир» мавзулари танланди. Дастурда ушбу мавзуга 2 соат ажратилган.

«Илм-фан равнақи» мавзусидаги дарсада ўқитувчи олдида қуйидаги мақсад қўйилади: миниатюра санъатининг ривожланиш тарихи ва «Зафарнома» асарида ўлкамиз тарихининг мукаммал баён этилиши ва уни тарихнинг туб моҳияти баён этилган матн билан боғлаш.

Дарсада Амир Темурнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси, тузган давлатининг буюклиги, ҳудудимизни мўғуллар истилосидан озод қилинган, бу даврда фан ва маданиятнинг ривожланиш, умуман, бунёдкорлик ишлари «Зафарнома»да ўз аксини топган.

Кузатишлар умумий ўрта таълим ўқув дастури ва дарсликларидида миллий озодлик ҳаракатлари тарихи мавзуси ўқувчиларни фақат Ватанимиз ўтмиши тўғрисидаги маълумотлар билан таништиришгагина хизмат қилмасдан, балки уларни эртанги кун авлодларига ҳам етказишга ўргатиш лозимлигини кўрсатди.

«Ўзбекистон тарихи»ни тарихий мавзудаги миниатюра санъати асарларидан фойдаланиб ўргатиш ўқувчиларнинг Ватанимиз тарихи ҳақидаги билимларни чуқур ўзлаштиришларига, дунёқарашларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Педагогик технологиялар тизимида ихчам, содда, қўллаш анча осонлиги билан ажралиб турадиган «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Мунозара», «Синквейн», «Кластер» технологиялари қўлланилади. «Синквейн» – дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлар тизимида муҳим аҳамият касб этади. «Синквейн» методида ўқув мақсади ва вазифаларини аниқлаш, белгилаш ўқитувчи фаолияти орқали эмас, балки ўқувчи фаолияти орқали амалга оширилади. Тарихий мавзудаги миниатюралар мазмуни ва дидактик имкониятларига кўра юқоридаги методлар яхши самара беради.

Мақсадга кўра, методлар тизими билим эгаллаш, малака ва кўникмани шакллантириш, билимларни амалиётда қўллаш, ижодий фаолият, мустахкамлаш методи, билим, малака ва кўникмаларни текшириш методи, идрок этиш методларидан фойдаланилди. Бунда билиш фаолияти характерига кўра методлар тушунтириш, яъни иллюстратив ахборот – «рецептив» характерда бўлади. Уларнинг характерли хусусиятлари билимларнинг тайёр ҳолда тавсия этишдир. Билимлар, идроклар, тушунчалар «рецепция» қилинади ва тушуниб олинади. Репродуктив методда билимлар тайёр ҳолда тавсия этилади, билим нафақат баён қилинади, балки эслаб қолишга эришилади. Миниатюраларда тасвирланган тарихий воқеликлар ўқувчиларнинг тасвирни эслаб қолиш орқали билимларни мустахкамлашга йўналтирилади. Эвристик методда билимлар мустақил равишда эгалланади. Ўқитувчи томонидан муайян мавзуга миниатюра асарини аниқлаш топшириғининг берилиши ўқувчиларнинг мустақил фаолият олиб боришида ўзига хос рағбат вазифасини ўтайди. Танқидий методда муаммолар белгиланиб олинади. Билимлар тадқиқ этиш жараёнида эгалланади.

Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил этишда ўқитувчиларнинг тарих дарсларида тарихий мавзудаги тасвирий санъат

асарларидан фойдаланишлари юзасидан ўқувчилар билан олиб борилган тажриба-синов ишлари натижалари математик-статистик метод асосида қайта ишланиб, таҳлил қилинди. Олинган натижаларнинг умумлаштирилган ҳолати қуйидаги жадвалларда акс эттирилган (1-ва 4-жадвалларга қаранг).

1-жадвал

Ўқувчиларнинг тажриба бошидаги ва якунидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари (тажриба гуруҳида)

Тажриба босқичлари	Тажриба $n_1=180$ нафар					
	Юқори		Ўрта		Паст	
	Сони	% ҳисобида	Сони	% ҳисобида	Сони	% ҳисобида
Тажриба бошида	39	21.7	80	44.4	61	33.9
Тажриба охирида	43	23.9	82	45.6	55	30.6

2-жадвал

Ўқувчиларнинг тажриба бошидаги ва якунидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари (назорат гуруҳида)

Тажриба босқичлари	Тажриба $n_2=180$ нафар					
	Юқори		Ўрта		Паст	
	Сони	% ҳисобида	Сони	% ҳисобида	Сони	% ҳисобида
Тажриба бошида	30	16.7	71	39.4	79	43.9
Тажриба охирида	32	17.8	79	43.9	69	38.3

Бу кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилди. Бунда ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш коэффициенти фоизларда ифодаланган.

$$K = \frac{J}{Q} \cdot 100\%$$

Бу ерда J – ўтказилган сўровномада берилган тўғри жавоблар сони, Q – ўқувчиларнинг умумий сони.

3-жадвал

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари фоиз ҳисобида

№	Синфлар Баҳо	Тажриба бошидаги	Тажриба якунидаги
1.	«5»	$K_1 = \frac{69}{360} \cdot 100\% = 19,2\%$	$K_1 = \frac{75}{360} \cdot 100\% = 20,8\%$
2.	«4»	$K_1 = \frac{151}{360} \cdot 100\% = 41,9\%$	$K_1 = \frac{161}{360} \cdot 100\% = 44,7\%$
3.	«3»	$K_1 = \frac{140}{360} \cdot 100\% = 38,9\%$	$K_1 = \frac{124}{360} \cdot 100\% = 34,4\%$

Олинган қийматлар асосида Стъюдент-Фишер критерияси қўлланилиб, математик-статистик таҳлил қилинди.

Топилган натижалардан математик кутилиш, танланма дисперсия ва ўртача квадратик четланишлар топилди.

4-жадвал

Стъюдент-Фишер критерияси бўйича.

\bar{X}	\bar{Y}	D_m	D_n	Δ_m	Δ_n
3,9	3,8	0,53	0,54	0,04	0,04

